



# ЖАМИЯТ

№ 3 (639)  
2019 йил  
25 январь,  
жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.jamiyatgzt.uz jamiyat@umail.uz

## Бугунги остона — эртага пойдевор

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутди. Гап рақамларда эмас, мамлакатимиз, жамиятимиз ва ҳар биримизнинг ҳаётимизда юз берадиган янгилик, ўзгаришларда. Давлат дастурида ана шундай янгиликларга элтадиган устувор, долзарб мақсадлар салмоқли. Улар биз кўзлаган, биз интилган марраларга бугун остона, эртага эса пойдевор бўлади.

### Муҳим учлик: Бош вазир, Қонунчилик палатаси, Президент

Давлат дастурига асосан Конституция ва бошқа қонунларга Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари номзодини Бош вазир тақдимида биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш ва Президент томонидан тасдиқлаш тартибини белгилаш билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилади. Бу борада 2019 йил 1 мартга қадар тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

### Ҳар ойда

Бош вазирнинг вазирлар, ҳокимлар, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда инвесторлар билан шахсан учрашувларни ўтказиш амалиёти жорий этилади.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни маслаҳат ва экспертлик жиҳатидан таъминлашни амалга ошириш мақсадида Президент ҳузуридаги Эксперт кенгаши ташкил этилди.

Давоми 2-саҳифада ▶▶

Ушбу сонда:

## САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНЯПТИМИ?



## УЯЛМАЙ ҚҲЙДИК

Баъзи ҳолларда нафси тиймасликдан тананинг вазни ортиб кетишини уят ҳисобламай қўйдик. Яъни баднафсликни реклама қилиш оддий ҳолга айланди.

## «АЛПОМИШ» 5 КУН МЕҲМОН БҲҮЛДИ



— Олти ой ордер олиш учун сарсон-саргардон бўлдик. Энг қизиғи, судлар томонидан 2017 йил 15 декабрда буйруқ ва шартномада кўрсатиб ўтилган «Қарши йиғма темир-бетон корхонаси» деган жумлани «Қарши йиғма темир-бетон корхонасига тегишли фаолият кўрсатмаётган бинолар» кўринишига келтириш тўғрисида ҳудудий бошқармага мажбурият юклатилган...

Ўзбекистон — Тожикистон:



ТОМИРИ ҚАЛЬЛАРИМИЗДА БҲҮЛГАН КҲРИНМАС МЕҲР, МУҲАББАТ РИШТАЛАРИ ҲЕЧ ҚАЧОН УЗИЛМАЙДИ



КИСҚА САТРЛАРДА ҲҚИНИГ!

Ўзбекистонда 2018 йилда истеъмолчиларнинг энг кўпи савдо соҳасидан шикоят қилди.



«Бошланғич 1-саҳифада»

Унинг таркибига муваффақиятга эришган талбиркорлар, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, жумладан, хорижий давлатлар фуқарolari ва хорижлаги ватандошлар киритилади.

«Инвестиция визаси»

У қандай ва қим учун? 2019 йил 1 мартдан бошлаб жорий этиладиган ушбу виза хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ва уларнинг оила аъзолари учун аталган. Унинг муддатини мамлакатдан чиқмасдан узайтириш мумкин бўлади, амал қилиш муддати эса уч йил.

Ўзбекистонда корхоналар ташкил қилиш учун 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда инвестиция киритган хорижий давлатлар фуқарolariга Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси 10 йил муддатга соддалаштирилган тартибда берилади.

Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси ёки «инвестиция визаси»га эга хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон фуқарolari учун назарда тутилган шартларда тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

«Хуфёна иқтисодиёт»га қарши очиқ кураш

Давлат дастурига асосан «Хуфёна иқтисодиёт» салмоғини иқтисодий усуллари ишлатган ҳолда қисқартириш режалаштирилмоқда.

Хусусан, 2019 йил 1 июнга қадар ишлаб чиқариладиган тегишли қонун ҳужжатига нақд пулсиз ҳисоб-китобни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш, шу жумладан, жисмоний шахслар ўртасида кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситалари олди-сотди-си бўйича ҳисоб-китобларни банк орқали амалга ошириш тизimini ривожлантириш чоралари кўрилади. Қонун ҳужжати «Хуфёна иқтисодиёт» бўйича «ишонч телефонлари»ни ташкил қилиш ва мазкур соҳада тасдиқланган хабарни берган шахсларни рағбатлантириш ҳамда бошқа шу каби механизмлар яратилишига ҳам ҳуқуқий асос бўлади.

Янги тизим:  
Парламентдан  
«Холис фуқарога»

Коррупция! Бу иллатга қарши кураш жорий йилда янада қизгин ва кес-

Бугунги остона — эртага пойдевор

ЎЗМТРК  
ислоҳ остонасида

2019 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Миллий телерадиоконпаниясининг мавқенини қайта кўриб чиқиш, компания бошқарувига бозор механизмларини жорий этиш ва соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш назарда тутилган тегишли лойиҳа ишлаб чиқишлиши лозим.

Тунги фаолият  
чекланмайди

Жорий йил 10 февралга қадар ресторан, кафе ва бошқа кўнгилочар объектларда ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш талаблари, ушбу кўнгилочар объектларни тунги пайтда ишлаш тартиби назарда тутилган махсус ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Уй-жой бу йил ҳам  
долзарб

Қишлоқ жойларда фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун 15 минг 10 та арзон уй-жойлар қурилади. Шаҳарларда 355 та кўп қаватли уйлар барпо этилади. Кўп қаватли уй-жой фонди тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиб, хорижий тажриба асосида реновация дастури ишлаб чиқилади. Бунда эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида босқичма-босқич янги уй-жойлар қуриш назарда тутилади.

Пенсияга стаж етмаса...

Шу йил 1 мартдан бошлаб болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга, улар пенсия ёшига тўлгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўланади.

Олий юридик таълим  
учун сиртқи  
бўлим очилади

2019 йил 1 апрелга қадар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда узоқ муддат давомида (5 йил ва ундан ортиқ) бенефсон фаолият кўрсатаётган ўрта ва ўрта-махсус маълумотли ёки бошқа мутахассислик бўйича олий маълумотга эга ходимларни имтиёзли равишда шартнома асосида сиртқи бўлимларда олий юридик таълим муассасаларига қабул қилиш ва мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилади.

Бунда ягона шарт шуки, ушбу ходимлар кейинчалик мазкур органда камида 5 йил ишлаб беради. Айни шу жиҳатларни ўзида ифода этувчи Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Бир абитуриентга  
бир неча имконият

Абитуриентлар бир вақтнинг ўзида бир неча олий таълим муассасасига ҳужжат топшириши мумкин бўлади. Шу йил 1 апрелга қадар ана шу имкониятни тақдим этувчи қонун ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқилади. Ҳужжатда абитуриентнинг синов натижаси бўйича олган бали старли бўлмаганда, балига қараб бошқа олий таълим муассасаси (таълим йўналиши)да ўқиш имкониятини бериш, ушбу таълим муассасаси (таълим йўналиши)ни ташлашини аниқ муддати, таълим муассасасини ташлашини тартиби (имтиҳон фанлари блоки ва кетма-кетлигининг мослиги) каби масалалар ҳам қамраб олинади.

Олий таълим муассасаларига ҳужжатларни давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади. Қарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга абитуриентлар ушбу шахслар ўртасида ўтказиладиган танловга мувофиқ алоҳида квоталар асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинади.

Ўқимаган ўқийди,  
ишсиз ишли бўлади

Банд бўлмаган аҳоли меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга (сантехник, электрик ва ҳ.к.) ўқитилади. Бу Давлат дастурига асосан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йилдаги устувор вазифаси этиб белгиланди.

Бунда касб-ҳунар коллежлари негизда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида банд бўлмаган аҳоли ва ишсиз фуқаролар учун ўқитиш марказларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бунинг ҳисобига замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш технологияларига таянган касбга ўқитишни йўлга қўйиш ва касбий малакалар баҳолашни назарда тутувчи касбий малакалар умуммиллий тизими жорий этилади.

Феруза МИРЗАКОМИЛОВА,  
«Жамият» мухбири

Ваколатларнинг эгаси  
ўзгаради

Энергетика ва транспорт соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳам устувор масалалар қаторидан жой олган. Унга кўра, энергетика соҳасида «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖдан давлат-ҳокимият ваколатлари энергетика соҳасида янги ташкил этиладиган давлат бошқаруви органига ўтказилади. Транспорт соҳасида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКдан давлат-ҳокимият ваколатлари эса транспорт соҳасидаги янги давлат бошқаруви органига берилади.

Ислохотлар  
«Юксалиш» билан

«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Умуммиллий ҳаракат фуқаролар, хорижда яшаётган ватандошлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирди. Унинг асосий мақсади режалаштирилган ислохотларни, шу жумладан, Давлат дастурида назарда тутилган ислохотларни амалга оширишга кўмаклашидир.

Халқ билан мулоқот

билан отасиз қолган болаларни боқишда она анча қийналган. Оилавий шароит оғир бўлганидан коммунал тўловлардан қарздор бўлиб қолган. Мазкур муаммо юзасидан «SUNNATBEK-BIZNES» ҳамда «MARXABO BIZNES PLYUS» таъсисчиси ҳомийлигида ҳар ой ёрдам пули берилишини таъминладик.

Дарҳақиқат, бу каби қийинчиликларга дуч келаётган оилалар, маҳаллалар, афсуски, учраб турибди. Тўғри, давлат даражасида эътибор қаратилаётгани, ҳомийлар иштирокида турмуш-шароитига бироз бўлса-да ёрдам кўрсатилаётгани уларнинг эригани қанда бўлган ишончтини оширди. Бироқ шунча назоратга олинса-да, ҳал этилмай қолиб кетаётган муаммолар ҳам талайгина. Шунинг учун ҳар бир масала ўзининг сўнги ечимини топунича ҳаракат қилмоғимиз керак. Шундагина сайловчиларимиз биздан рози бўлади.

Илҳом ИКРОМОВ,  
O'zLiDeP Заңғиота туман  
Кенгашининг ташкилий масалалар  
бўйича раис ўринбосари

Одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш фуқароларнинг давлат ва жамиятта бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омили бўлмоқда. Бу жойларда ўтказилаётган сайёр қабулларда аҳолини қийнаётган иқтисодий, ижтимоий муаммоларга ечим топишда яхши самара берапти.

Тошкент вилояти Заңғиота тумани 6-Назарбек сайлов округидан сайланган O'zLiDeP депутати Ҳикматбек Ҳошимбеков ҳам сайловчилари билан учрашди. Унда аҳоли томонидан газ, ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар ўртага ташланди. Шунингдек, бодалар ўйингоҳлари ташкил этиш, талбиркорлик учун ер ажратилиш, кредитлар олишда кўмак сўралган қатор муҳим ҳужжатлар бўлди. Ушбу муҳим ҳужжатлар халқ депутатлари туман Кенгаши депутати томонидан тегишли ташкилотларга сўровлар чиқарилиб, назоратга олинди.

— Худудимизда депутатлар иштирокида бир неча бор аҳоли билан юзма-юз учрашув

САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИ  
ОҚЛАНЯТМИ?

ўтказилди, — дейди «Мевазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабиба Бакирова. — Нагизада қатор муаммолар ижобий ҳал этилди. Мисол учун, маҳалламизда компьютер жамланмаси йўқ эди. Ҳомийлар томонидан бу масала ўз ечимини топди. Худудимиздаги ногиронлиги бўлганларга ногиронлик аравачалари олиб берилди. Ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва аҳоли иштирокида ўтказиладиган учрашувларда аксарият ана шундай масалалар баргараф этилмоқда. Хусусан, «Аҳлибоб» МФЙ фаолиятлари Мустақиллик 5-тор кўчасидаги 350 метр тоза ичимлик суви трубаи носоҳ ахволда эканидан арз қилган эди. Бу муаммо бўйича депутат Шомаҳмуд Икромов «Мусаффо оби ҳаёт» масъулияти чекланган жамияти корхонасига депутатлик сўрови юборган. Аммо корхона раҳбари сўров муддатини ҳеч бир сабабларсиз кечиктириб келган. Шундан сўнг туман прокуратурига тақдимнома киргизилиб, унга нисбатан Маъмурий жавоб-

гарлик тўғрисидаги коллексинг 193-моддасига асосан жавобгарлик қўлланилди. Ваҳоланки, масалани шу даражага бормай туриб ҳам ҳал қилса бўлар эди.

Муаммо баргараф этилган-этилмаганини билиш учун маҳалла раиси билан боғландик. Унинг гаплари ҳали ҳам ўша-ўша:

— Ичимлик суви трубасини созилаш 2017 йилда дастурга киритилгани, яқинда алмаштириб берилишини айтилди, — дейди «Аҳлибоб» МФЙ раиси Собирбой Шерматов. — Мана, 2019 ҳам келдики, ҳали алмаштирилмади. Депутат билан учрашув ва қайта-қайта муурожаатларимиздан сўнг 2018 йил ноябрь ойида трубабарни номилгагина ямаб кетишди. Лекин умуман фойдаси бўлгани йўқ. Ҳалигача тоза ичимлик суви бекор оқиб ётибди.

— «Қирғузар» МФЙда истиқомат қилувчи бир аёл ёлғиз боши билан беш нафар фарзандни тарбиялаётган экан, — дейди Ш.Икромов. — Тақдир тақозоси



ҚИСКА  
САТРАЛДАР  
УҚИНИ!

Ўзбекистонда Алишер Навоий жамғармаси тузилди. Келгусида Россия, Туркия, Озарбайжон, Қозғистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон ва бошқа давлатларда жамғарманинг филиалларини очиш кўзда тутилмоқда



# УЧ ЙИЛДА ТЎҚҚИЗ МАРТА «АЙБДОР»

**Бугун давр шид-гармоқда. Одамларнинг дунёқараши, тафаккури юксал-япти, яшаш, ҳаётга қараш ҳам шунга яраша тус оляпти. Аммо шундай қайноқ ва қизгин паллада ҳам айрим раҳбарлар ўз тўнини ҳануз ўзгартиргани йўқ.**



Бегали ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

**— Олти ой ордер олиш учун сарсон-саргардон бўлдик. Энг қизғини, судлар томонидан 2017 йил 15 декабрда буйруқ ва шартномада кўрсатиб ўтилган «Қарши йиғма темир-бетон корхонаси» деган жумлани «Қарши йиғма темир-бетон корхонасига тегишли фаолият кўрсатмаётган бинолар» кўринишига келтириш тўғрисида ҳудудий бошқармага мажбурият юклатилган...**

2015 йил кўп йиллардан буён фаолият кўрсатмаётган «Қарши йиғма темир-бетон» давлат корхонаси сотувга қўйилган эди. Оралаун уч йил ўтса ҳам турли сабабларга қўра, ушбу корхонага харидор топилмаган. Шундан сўнг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси (аввалги Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси) Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбарияти корхона тасарруфидagi фаолият кўрсатмаётган бинолар ўрнига негалир корхонанинг ўзини сотувга қўйган. Бундан бехабар «SMES STROY SAVDO» МЧЖ 1 миллион 500 миң АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш ҳамда 50 та янги ишчи ўрни яратиш шarti билан корхонани 4 миллиард 546 миллион сўмга сотиб олган.

МЧЖ томонидан цемент, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида хорхидан 2 миллион 758 миң 668 АҚШ доллари тенг замонавий жиҳоз-ускуналар келтириб ўрнатилган. Натигада етмишга доимий ишчи ўрни яратилган. Янгидан ташкил этилаётган завод атрофини ободонлаштириш, биноларни таъмирлаш учун 1 миллиард 100 миллион сўм маблағ сарфланган.

## Биринчи «зарба» — қарз ундириш

2017 йилнинг март ойида «Қарши йиғма темир-бетон» давлат корхонасининг собиқ раҳбари И.Ҳикमतов корхонанинг қарзи бўлган ишчи-ҳодимларнинг иш ҳақи, компенсация тўлови ва маънавий зарарини «SMES STROY SAVDO» МЧЖдан ундириш учун судга муурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича иқтисодий суди апелляция инстанциясининг ажримига қўра, масъулияти чекланган жамият корхона ишчи-ҳодимларининг иш ҳақи ва бошқа тўловларни тўлаб бериш мажбуриятини олмаганини инобатга олиб, шикоятдаги ундириш қисмининг рад этган. Унда кўрсатилган барча тўловларни «Қарши йиғма темир-бетон» корхонасининг ўзидан ундириш тўғрисида тўхтама келинган.

## Навбатдаги уриниш

«SMES STROY SAVDO» МЧЖ раҳбарияти Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг буйруғи ва олди-сотди шартномасидаги объект номини Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқлаштириш мақсадида бир неча бор бошқарма бошлиғи М.Султонов ва унинг ўринбосари У.Нуусуровга «Қарши

йиғма темир-бетон» давлат корхонасига тегишли фаолият кўрсатмаётган бинолар, деб ўзгартиришни сўраб муурожаат қилган. Аммо улар «Президент қароридида хатоликка йўл қўйилган», деган оғзаки жавобдан нарига ўтмаган.

Боз устига вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбари ҳамда «Қарши йиғма темир-бетон» давлат корхонасини тугатиш комиссияси бошлиғи Я.Эгамбердиев сотувчи ва харидор ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини бекор қилиш юзасидан вилоят иқтисодий судига даъво аризаси билан муурожаат қилган. Бунга жавобан Савдо-саноат палатаси раҳбарияти «SMES STROY SAVDO» МЧЖ манфаатларини кўзлаб, иқтисодий судга қарши даъво аризаси билан чиқди.

2017 йилнинг 15 декабрида ҳудудий бошқарманинг даъво талаби иқтисодий суд томонидан рад этилди. Буйруқ ҳамда шартномада кўрсатилган объект номига «Қарши йиғма темир-бетон» давлат корхонасига тегишли фаолият кўрсатмаётган бинолар» кўринишида ўзгартириш киритиш тўғрисида вилоят ҳудудий бошқармасига мажбурият юклатилди.

— Шунга қарамадан вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбарияти ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатини давом эттириб, вилоят иқтисодий судига апелляция ва Олий судга назорат тартибиди яна шикоят қилди, — дейди «SMES STROY SAVDO» МЧЖ раиси О.Омонқулов. — Судлар томонидан вилоят ҳудудий бошқармасининг шикоятлари қаноатлантирилмаган бўлса ҳам суд қарори ижро этилиши ҳудудий бошқарманинг мутасадди раҳбарлари томонидан ҳар хил важлар билан узоқ муддат амалга оширилмади. Буни сотиб олинган хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини бериш ордери турли баҳоналар билан ўз вақтида берилмай келганидан ҳам билса бўлади.

## «Бегонлаштирилган» мулк

Қарши шаҳар ҳокимининг 2000 йил 11 августдаги тегишли қарорига асосан собиқ «Қарши қурилиш индустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасига тегишли «Йирик панели уйсозлик корхонаси» (ҳозирда «Қарши йиғма темир-бетон» давлат корхонаси) балансида бўлган «Автосарой» хайрия йўли билан «Соғлом авлод учун»

халқаро хайрия жамғармасининг Қарши шаҳар бўлими балансида ўтказиб берилган. Жамғарма мазкур мулкни 2005 йил «Юк экспедиция сервис» МЧЖга сотган. Бу мулк олди-сотди билан яна икки марта қўлдан қўлга ўтган. Шунингдек, «Қарши йиғма темир-бетон» давлат корхонасига тегишли «Пайвандлаш чеҳи» «Қарши мебель» МЧЖга хусусийлаштириб берилган.

Ваҳоланки, Қарши шаҳар ҳокимининг «Автосарой»ни хайрия йўли билан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими балансида ўтказиб бериши амалдаги қонун ва меъерий ҳужжатлар талабларига жавоб бермайди. «Қарши йиғма темир-бетон» давлат корхонаси бинолари сотилаётганда хатлов жараёнида мазкур қарор Давлат рақобат кўмитаси Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши ва иккита бино ҳам қўшиб сотилиши лозим эди.

## Аслида...

«Қарши йиғма темир-бетон» вилоят хўжалик судининг 2005 йил 11 январдаги ҳал қилув қарорига биноан банкрот, деб эътироф этилган. Ушбу қарор асосида банкротлик иши юритилиб, тугатиш бошқарувчиси Б.Янгибоев томонидан корхона тугатилган. Корхонанинг жами кредиторлик ҳамда собиқ ишчи-хизматчилар иш ҳақи биргалликда 314,4 миллион сўмни ташкил этиб, корхона мол-мулкни сотиш эвазига қарзни қошлаш белгиланган. Корхонанинг қайта нархланган асосий воситалар нархига бошқа активлар қўшилиб, жами 748 миллион 451,1 миң сўмга етган ва олти ой давомидида мажмуа кимосиди савдосига қўйилган. Сотиб олишга талабгор топилмагач, корхона мажмуаси қисмларга ажратилиб, арзонлаштирилган ҳолда биржа савдоларига қўйилади. Корхона мулкнинг асосий қисмига харидор топилмагач, Б.Янгибоев томонидан кредиторлар йиғилиши қа-

рори билан тўғридан-тўғри шартнома асосида арзонлаштирилган нархда корхонанинг собиқ ишчи-хизматчилари иш ҳақи ҳисобига ва етмаган қисмига уларнинг нақд пулига янги ишлаб чиқариш очиш шarti билан жами 6820 квадрат метр жой сотилган. Корхонанинг сотилмай қолган 682,6 миллион сўмлик мулк Қарши шаҳар ҳокимлигига топширилган. Аслида Б.Янгибоев собиқ корхона мол-мулкни тўлиғича ҳокимият балансида ўтказиши лозим эди.

Корхонанинг ҳокимият балансида ўтган қисми кейинчалик «Қарши йиғма темир-бетон» давлат корхонасига айлантирилиб, «SMES STROY SAVDO» МЧЖга сотилган.

— Олти ой ордер олиш учун сарсон-саргардон бўлдик, — дейди О.Омонқулов. — Энг қизғини, судлар томонидан 2017 йил 15 декабрда буйруқ ва шартномада кўрсатиб ўтилган «Қарши йиғма темир-бетон корхонаси» деган жумлани «Қарши йиғма темир-бетон корхонасига тегишли фаолият кўрсатмаётган бинолар» кўринишига келтириш тўғрисида ҳудудий бошқармага мажбурият юклатилган ва суд қарорлари кучга кирган бўлса-да, корхонага тасарруф этиш ҳуқуқисиз давлат ордери 2018 йилнинг 2 май куни берилди...

## «Янги очилган ҳолат»

Ҳудудий бошқарма раҳбарлари ҳамда Я.Эгамбердиев шундан кейин ҳам тинч турмади. Бу сафар улар хусусий мулкка эгалик ҳуқуқини бериш давлат ордери билан бермасдан вақтни чўзиш ҳамда суд ходимларини чалғитиш мақсадида Қашқадарё вилоят иқтисодий судига «янги очилган ҳолат» мазмунида 2018 йилнинг 7 сентябрь куни қайта муурожаат қилган. Бироқ суд аризани қаноатлантиришни рад этган.

Шундай қилиб, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбарлари ва Я.Эгамбердиев «SMES STROY SAVDO» МЧЖни оз эмас, кўп эмас тўққиз марта судга берган. Суднинг барча қарорлари Жамият фойдасига ҳал этилган бўлса-да, Давлат рақобат кўмитаси раисининг ўринбосари А.Обидов ўзининг масъул ходимлари иштирокида жамият раҳбарларини қўмитага бир неча бора чаққириб, корхона мулкни сотиб олгунга қадар иш ҳақи, солиқ ва бошқа тўловлардан тўпланиб қолган қарийб 800 миллион сўм миқдордаги қарздорликни «SMES STROY SAVDO» МЧЖ тўлаб беришини талаб қилверган.

Хуллас, бюрократлик касалига чалинган бир гуруҳ раҳбарларнинг биллиб-билмасликка олиб, амалга оширган гайриқонуний хатти-ҳаракатидан бир талбиркор шунча азият чекди, қийналди. Аммо барибир адолат қарор топди. Эгилса ҳам, букилса ҳам, синмас ХАҚИҚАТ уни мансабидан бурни баланд, нафси катта амалдорларнинг аловати ва жабридан қутқарди.

Шумурод ШАРАПОВ,  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий  
юшмаси аъзоси

Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари кўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Давлат ва фуқаролар ҳамкорлигининг замонавий механизми» грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



«Wegoplace» онлайн хизмати «Solo Travel Safety Report 2019» ҳисоботида қўра, Ўзбекистон ёлғиз саёҳат қилиш учун энг хавфсиз бўлган давлатлар бешлигига кирди.





# Ўзбекистон — Тожикистон: ТОМИРИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА БЎЛГАН КЎРИНМАС МЕҲР, МУҲАББАТ РИШТАЛАРИ ҲЕЧ ҚАЧОН УЗИЛМАЙДИ

Муқаддима

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг  
Дўстона ташқи сиёсати боис қадимдан  
бир эл бўлган кўшнилари билан аҳилла-  
шиб, борди-келдилар тикланиши шарофати  
ила қадим элатдошларимиз юртларига саё-  
ҳатларга бориб кела бошладик.**

2018 йилнинг сентябри аввалида Халқаро Кўчманчилар Ҳайъатининг тақлиф қилинган тўғайли Қирғизистон шаҳарларини кўрдим. Қирғиз даласини, шарқроқ дарёларини, Чингиз Айтматов суйдириб қўйган эна Иссиқкўлини, Қирчин водийсини, Чўлпон отани ўз кўзим билан кўрдим. Қирғиз дўстларимизнинг тўғайларида иштирок этиб, уларнинг урф-одатларини, анъаналарини кўрдим.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан «Жанубий Қозоғистон» газетаси таҳририяти тақлифи билан Чимкент шаҳрига бориб, у ерда ижод қилаётган ўзбек зиёлилари билан суҳбат қилдим. Сайрам шаҳрида бу тумanning 90 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашдим. 22 сентябрь кун Туркистонда бўлиб ўтган «Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари кун» байрамида иштирок қилдим. Гўзал бўлиб кетган Қозоғистон шаҳарларини кўрдим. Овулларига чиқиб, туячилар билан гурунг қилдим, туя сутини ичдим, қимрон ичдим...

Октябрнинг 18-кун эса кўп ийшлардан бўён дилимга туғиб юрган зиёратларимни амалга ошириш учун ҳаётимда илк бор Тожикистон чегарасидан ўтдим...

## Бохтар

Тожикистонга сафарим чоғида бир нарсага амин бўлдим: қадимдан ўзбеклар, хусусан, ўзбекнинг лақаб уруғи яшайдиган ва ўзбекча номланган маконларнинг даярли барчаси бир неча бор қайта номланиб, бугунги кунда барча аҳоли манзиллари форсийча айtilадиغان бўлибди. Биз тўхтаган навбатдаги манзил, қадимдан барча Қўрғонтепа деб ўрганган, тепалик устида қад ростилаган баланд кўрғонини унинг ташриф қоғози бўлган шаҳар ҳам Бохтар деб номланибди. Маъносини сўраганимда бу ном тарихи қадимги Бақтрия давлати тарихи билан боғлиқ эканини айтишди: Бақтр — Бохтар...

Шу шаҳарда тожиклар ўз тарихларини Сомониёлар давлати даври билан қаттиқ боғлашларини тўғундим. Шаҳарга Қўрғонтепа номини берган тепаликка чиқиб, ундаги кўрғонда жойлашган тарихий музей осори-атиқаларини, у ерга қўйилган нарсаларини кўриб, маълумотларни ўқиб, шу фикрга келдим. Шаҳарда от устидаги Исмоил Сомониёнинг улкан ҳайкалини кўрдим. Бунақа ҳайкаллarga Душанбеда ҳам, бошқа жойларда ҳам кўп дуч келдим.

Шаҳарга кирaverишда олти нафар Тожикистоннинг миллий қаҳрамонлари портретларини кўрган эдим. Кейинчалик бу олти қаҳрамоннинг суратини ҳар бир шаҳар, қишлоқ, ҳар бир кўпчилик

боғларда ҳам учратдим. Қўрғонтепа музейида ҳам шу олти миллат қаҳрамонларининг суратларини кўрдим ва улар нега қаҳрамон бўлгани сабабларини ҳам сурат остидаги изоҳлардан билиб олдим. Булар асосан, Тожикистон давлатини ташкил қилиш, тожик алабиётини шакллантириш билан боғлиқ ишларга ҳисса қўшган, масалан, Тожикистон чегараларини чизишда иштирок этган ва тожиклар асрлар давомида фойдаланиб келган ёзувни кирибди ёзувга ўтказган Садриддин Айний ва замонавий тожик адабиётининг йирик вакили Мирзо Турсунзода каби шахслар ва ягона тирик миллий қаҳрамон — Эмомали Раҳмон экан.

Мустақилликдан кейинги Тожикистонни бўлиниб кетишдан, фуқаролар урушида миллатни қиришиб кетишдан сақлаб қолган, тинч ва обод Тожикистонни барпо этган давлат раҳбари сифатида ҳақли равишда Эмомали Раҳмонни миллат қаҳрамони деб ҳисоблашар экан. Энг муҳими, буни раҳбарлар, зиёлиларгина эмас, оддий халқ ҳам эътироф этганига гувоҳ бўлдим. Тожик халқи еттинчи қаҳрамон эълон қилиниши тарафдори ҳам бўлиб, улар бу мартабага Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни муносиб деб ҳисоблашар экан...

## Душанбе манзаралари

Мезбонлар бизни Душанбе шаҳрини айлангани олиб чиқишди. Бормасимдан аввал биздан олдин Душанбега борган ҳамкасбларим «Душанбе кичкина шаҳар, бир кунда ҳамма ёгини қўриб бўласиз», дейишган эди. Тўғри айтишмаган экан. Душанбе тўрт тарафи тоғлар билан ўралган, худди Қобул шаҳрига ўхшаган шаҳар бўлгани билан анчагина катта экан. Шаҳарнинг марказий майдонига ўрнатилган Исмоил Сомониёнинг улкан ҳайкали ва унинг ёнида барпо қилинган боғ мени қанчалар ҳайратта солган бўлса, марказий майдонга туташ кўчаларда бунёд этилган осмонўпар бинолар ҳам мени асло кам ҳайратта солмади. Тожикистон миллий университети, Педагогика университети, Миллий кутубхона, замонавий меҳмонхоналар, ҳатто «Роҳат» деган чойхона ҳам ўта салобатли қилиб қурилибди.

Душанбени кечаси томоша қилиш керак экан. Кечаси шаҳар кўчаларини айланиб, бир ҳайратимга ўн ҳайрат қўшилди. Душанбе минг хил чироқлар ичида ўта жозибador кўринар экан. Деярли барча кўчалар ўзига хос тарзда ёриткичлар билан жиҳозланган, ҳар бир кўча кишида айрича тасаввур пайдо қилади. Айниқса, бир хиёбон диққатимни тортди, кишилар пиёда сайр қилиши учун мўлжаллаб қурилган бу хиёбон

бутунлай чироқлардан бино қилинибди. Биллур чироқдонларга ўрнатилган минглаб чироқлар шунчалик мафтункор-ки, улардан кўз узолмайсиз. Шу ерда эсладим учун суратларга тушдик.

Тожикистон ҳукумати олдида ўрнатилган улкан байроқ ҳам диққатга сазовор. У шаҳарнинг узoқ жойларидан ҳам кўриниб турар экан. Ҳукумат атрофидаги майдонда юрсангиз, тарихга саёҳат қилгандек бўласиз. Бу ерда Исмоил Сомониё, Рўдакий, Ибн Сино каби тарихий шахслар, ҳатто афсонавий қаҳрамонларга ҳам ҳайкаллар қўйилган.

## Тожик миллий таомлари

Албатта, ўн кунча Тожикистонда юриб, кўплан-кўп шаҳар ва қишлоқларини кезиб, кўйлаб одамлар билан гаплашган одам ўша ергагина ҳо бўлган таомларга ҳам қизиқали, бошқа ерда учрамайдиган таомларидан татиб кўради.

Тожикистонда дарёлар кўпчилиги боис бу диёрнинг ҳар қаерида дарё балликлари севиб истеъмол қилиниши эътиборимни тортди. Сунъий ғавзаларда боқилган, кейинги пайтларда балиқхўрларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган ноҳус ҳилли балиқлардан безган мендек таъби нозик хўранда дарёларда эмин-эркин сузиб юрган балиқларни тугиб пишириб бераётган балиққазларнинг ҳунаридан кўп мамнун бўлдим.

— Сизни бошқа ерда учрамайдиган бир таом билан зиёфат қилмоқчиман, — деб қолди бир кун мезбонимиз Абдулла. — Куртобахўрликка олиб бораман.

Шаҳарда бир неча шунақа ошхоналар борлигига қарамай, Абдулла анчагина масофа босиб, бир ошхонага олиб борди. Бир хислати бордир-ки, бу ерда хўрандалар жуда гавжум, бир неча заллари, алоҳида хоналари бўлишига қарамай, навбат кутиб, ташқарида турган мижозлар ҳам бор эди.

Ошхона эгаси Абдуллани яхши танир экан, бизни тавозе билан кутиб олиб, алоҳида бир хонага бошлаб кирди.

— Доимгидек, — деди Абдулла ва хизматдаги йигит бирпасда каттакон ёғоч товоқда куртоба келтирди.

Бунгача Душанбе бозорларида ғалати-ғалати ёғоч идишлар сотилаётганини кўрган, ҳатто ёғоч идишларнинг бир устаси билан бу соҳада анча суҳбатлашган эдим. Бу ердаги ҳунармандлар ёнғoқ, тут, чинор дарaxтларининг ёғочидан бир-бирига ўхшамайдиган буюмлар ясашар экан. Ёғоч товоқлар, қошиқлар ишлатиш учун беэиён ва шифобахшилдан уларга ҳали ҳам талаб катта экан. Ёнғoқдан ясалган, 10-15 кишига етadиган палов сузиладиган

товоқларнинг бир донаси 400-500 долларга ҳам сотилишини эшитиб, ҳайрон қолгандим. Мен ҳам шунақа товоқларнинг арзонроғидан бир жуфт олмақчи бўлдим, аммо уларни ишлатиш учун тайёрлаш ва сақлаш қодалари мураккаб бўлгани тўғайли аҳдидан қайтдим. Ахир уч марта ёғлаб, ҳаво кирмайдиган қилиб маҳкамлаб, уч ҳафта сойда сақлаш, ҳар гал ёғлаб, офтоб ва ёруғ тегмайдиган, иссиқда қолмайдиган, шамол тегмайдиган қилиб асраш осон иш эмас-да.

## Навоий ҳайкали пойида...

Душанбеда бозор кўп экан, боғ кўп экан, ҳайкал кўп экан. Лекин Ўзбекистонга қайтишимдан олдин мезбоним Абдулла Бекназар мени бир боққа олиб борди.

Аслида, бу боғ, боғ марказида икки улуг аллома — Ҳазрат Алишер Навоий ва Устоз Жомийга атаб қўйилган ҳайкал икки қадим халқнинг дўстлиги, биродарлиги рамзи экан.

Муҳташам боғда ҳаво салқин бўлишига қарамай, одамлар кўп. Улар ҳар ерда қўйилган оромкурсиларда ўтириб, адабиёт ҳақида, шеърят ҳақида, ишқ-муҳаббат ҳақида суҳбатлар қуришяпти. Турли хил авноий гуллар атридан баҳра олишяпти.

Биз ҳам мезбонлар билан боғни айланиб, икки халқнинг қадим анъаналари, урф-одатлари, бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган шеърятини, санъатини, маданиятини ҳақида суҳбатлашдик. Навоийдан, Жомийдан байтлар ўқиган бўлидик. Икки алломанинг устоз-шогирдлиги, дўстлиги ҳақида билганларимизни бир-биримизга сўзладик.

Мезбонларимиз билан Алишер Навоий номидаги боғда дўстона хайрлашишимизда ҳам бир рамзий маънони илғадим: икки халқнинг дўстона муносабатлари ҳеч қачон бузилмайди. Томири қалбларимизда бўлган кўринмас меҳр, муҳаббат ришталари ҳеч қачон узилмайди. Икки эл бири-бирини кўрмасдан туролмайди. Сап кўрмаса, соғиниб қолади.

## Сўнгсўз ўрнида

Чегарага яқинлашар эканман, кўнглимда бир ҳадик бор эди: мен Тожикистон заминида мўлжалдан узoқроқ қoлиб кетдим. Тожикистонга кирётганимда бир эълонлар тахтасида «Уч иш кундан ортиқ қоладиганлар вақтинча рўйхатдан ўтмасалар, ўн минг сомониё жарима тўлашлари шарт», деган эслатмага кўзим тушган, аммо мезбонларнинг шакарғуторлиги боис бу эслатмани унутган эканман. Шу эсимга тушиб, чегара сари борар эканман, ўн минг сомониё бизнинг пулга қанча бўлишини ўйлаб, миллионлар кўз олдимга келиб, хаёлим қочганди.

Бироқ тожик чегарачиларининг мени хушмуомалалик билан кутиб олиб, бир зумда ҳужжатларимни расмийлаштириб бериши, «Меҳмон, сизга юртимиз маъқул бўлди!» Албатта, яна келинг, яхши боринг, биз сизга хизмат кўрсатганимиздан мамнунмиз!» дейиши барча хавотирларимни тумандек тарқатиб юборди.

Мен кувноқ кайфиятда ўз Ватаним — Она Ўзбекистоним заминига қадам босдим.

Сўнгги бор ортимга қарар эканман, шу сўзлар кўнглимдан ўтди:

— Тинчлитимизга кўз тегмасин! Икки элнинг орасини очиб қўйган юрт оғаларига раҳмат! Мен, албатта, яна Тожикистонга келаман!

Каримберди ТўРАМУРОД  
декабрь, 2018 йил



Ўзбекистон меҳмонхоналари ахлоқсизликда гумон қилинган ташрифчиларга хона беришни рад этиши мумкин. Шунингдек, меҳмонхона эгаси бу ҳақда ички ишлар органларига хабар бериш ҳуқуқига эга.





# ЯХШИЛИК — ЭНГ ЁҚИМЛИ ҚАРЗ

**Гоҳида теварак атрофга назар солиб, инсофу диёнат, меҳру мурувват, саховат камайиб кетаётганига гувоҳ бўласан. Ёрдан бериш қўлидан келсада, ўзини билмаганга солиш, ўзини дўст қилиб кўрсатиш-у, зимдан пайт пойлаб, чоҳ қазувчилар кўпайганига ҳам шоҳид бўляпмиз. Айниқса, ўзини зиёли сановчи кишилар орасида бу каби ҳолатлар учраб туриши жуда аянчли. Шуларни кўриб, кузатиб, «наҳотки, диёнатли зиёли замондошларимиз ҳам камайиб кетяпти?» деб ўйга толишга мажбурсан. Марҳум профессорлар Файбулла ас-Салом (1932-2003) ва Бегали Қосимов (1942-2004) лар билан боғлиқ ҳаётий воқеаларни эшитиб яқин даврда саховатли, ҳалолликни ҳаётий мезон қилиб олган замондошларимиз яшаганига шукр қиламиз.**

Таниқли ижодкор Шерали Сокин бир суҳбатда профессор Файбулла ас-Саломнинг инсоний фазилятларидан сўз очиб, у кишини шундай хотирлаганди:

— ...Уша кезлари, гапнинг очиги, модлий жиҳатдан қийналиб юргандим. Дўстим, шоир Рауф Парфи маслаҳат берди:

— Яхшиси, устоз Файбулла ас-Саломдан қарз сўрагин. Қулай йўли — шу. Юрасанми қийналиб?

«Қалай бўларкин?» дея андак тасалдуланди, охири юрак ютганча Устоздан қарз сўрадим. У киши ўнг қўлидаги ҳассасини чап қўлига олиб, ҳамёнида-

ги бор пулни санамасдан-нетмасдан каминага узатаркан, меҳрибонлик билан дедилар:

— Тушунаман, мирзам. Сизга ҳозир жуда қийин. Оғир операцияни бошдан кечиришнинг ўзи бўлмайди. Жўжабирдай жонсиз. Устига устак, Иво Андричнинг «Дрина кўприги» романини таржима қилдингиз. Таржима ўта машаққатлаб юмуш: кишини жувздан чиққан отдай қилиб қўяди. Ҳа, модомики, шундай экан, бу пулларни ишлатинг. Бадавлат бўлиб кетганингизда қайтарарсиз.

Иттифоқо, ўша куни биродарим Олимжон Ҳақимов ўзи гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб қолди:


— Негадир Файбулла ас-Салом домла бугун «Шарқ» нашриёти ошхонасидаги таниш ошпаздан насияга таом олиб тушлик қилдилар...

Мен мулзам бўлиб қолдим.

Фаргона вилоти Бешариқ туманилик Ҳ.Суярқулов эса ижодкорлар орасида «сўнгги жадид» номини олган Бегали Қосимов билан боғлиқ ибратли бир воқеани шундай сўзлайди:

— Ўғлимни институтга имтиҳон топшириш учун Тошкентга олиб бордим. Тошкентга кам борганимиз, шаҳарни билмаймиз. Бир узок қариндошимизни қора қилиб, 2-3 кун яшашга жой топиб берар, деган умидда уйини топиб бордик. Албатта, бизнинг ташрифимиз уларга ёқмади. Суҳбатлашиб ўтирганимизда уйнинг бекаси: «Ўғлинг мунча ювوش, устига камгап, уятчан экан. Шу туриши бўлса, институтга киролмайди, «х» вариант сотиб олгин», деди масхаромуз оҳангда. Устимдан совуқ сув қуйгандек бўлиб кетдим. Ўғлимни билмайман, лекин менинг юрагим эзилиб, кўз ёшимни аранг тўхтатдим.

Кечки пайт ўғлимнинг ўртоқлари турадиган жойни дараклаб топдик, бир амаллаб тонг ортирдик. Эртаси куни бир қариндош талаба йигит келиб, бизни Бегали Қосимов уйига таклиф қилатганини айтди. Ўз қариндошимиздан илтифот кўрмаганимиз учун у кишиникига боришга истиҳоло қилдик, тўғриси, қўрқдик. Лекин у йигит домла тайинлаганини айтиб, бизни олиб кетди. Кўчада қолганимизни болалардан эши-



тиб, уйига қақирган экан.

Биз ийманиб, зўрға дарвозадан кириб борганимизда ҳовлидаги сўрида ўтирган эр-хотин шошилиб ўринларидан туриб, пешвоз чиқди. Юрагимга кеча ўрнашган дард бу меҳрдан эриб, кўз ёшларим билан оқиб тушиб, жисминни тарк этгандек бўлди. Мен ўзга бир оламга, сув ўрнига меҳр тўлирилган денгизга тушиб қолгандек эдим.

Бизни Бегали аканинг иш хонаси ёнидаги меҳмонлар кутиладиган хонага жойлаштиришди.

Эртаси куни Матлуба опа домланинг хонасини кўрсатди. Хонада минглаб китоб... Гўё бу инсон умри давомида топган-тутганларининг ҳаммасига китоб сотиб олгандай туюлди менга.

Биз бу ерда уч кун турган бўлсак, домланинг қачон уйкуга ётгани, қачон турганини билолмадим. Фақат тинмай ишлаб ўтирганини кўрдим. Энди ўйласам, бу ҳазрати инсон саломатлиги ёмонлашганига қарамай, умри тугаб қолмасдан ишларини охирига етказишга шошилган экан.

Домла нонушгани ҳам, тушки, кечки овқатни ҳам биз билан бирга қилиб, бироз суҳбатлашарди. Ўта камтар бу инсон билим қайнаб чиқаётган бир булоққа ўхшарди. Ўғлим иқтисодчи бўлмақчилигини эшитиб, фаннинг турли соҳаларидан саволлар бериб, маслаҳатлар берди. Имтиҳондан бир кун олдин у кишига миннатдорлик билдириб, институт яқинидан бирорта жой топмоқчи эканимизни айтганимизда бизга рухсат бермади. Ўғлимга бугун кечкурун яхшилаб дам олишни, имтиҳонга

ортиқча нарса олиб кирмасликни, акс ҳолда вақтдан ютқазиб қўйиши мумкинлигини айтди. Эртаси эрталаб бизни Матлуба опа билан бирга ўз маши-

насида имтиҳон бўладиган жойга олиб бориб қўйди. Ўғлимнинг кўнглини кўтариб: «Сиз, албатта, институтга кирасиз. Келажакда молия вазир бўласиз, яхши топшириб олишингиз учун омад тилайман», деб қўлини сиқди. Бу табарруқ инсоннинг тилаклари ижобат бўлиб, ўғлим ўқинишга кирди. Ҳозир вазирликда фаолият юритмоқда.

Ҳа, бу воқеага ҳам 15 йилдан ошди. Орада 2004 йили Бегали ака ҳам афсуски, вафот этди. Бироқ ундан алабёйшунослик ва тарихга оид

биётшунослик асарлари, энг асосийси, яхши ном ёдгор бўлиб қолди. Бегали ака ҳалолликни умрининг асосий мезони қилиб қатъий белгилаб олганидан, ҳаттоки, ўғлининг хорижга ўқинишга кетишига ҳам аралашмаган экан.

Бу ҳақда ўғли Бегўзд Қосимов отасининг қатъияти тўғрисидаги бир воқеани шундай хотирлайди:

— Хорижда ўқинишга йўл очилган пайтлар эди. Ўқиниш Америкада давом эттирмакчи бўлдим. Ҳужжатлар тайёрладим, айрим синовлардан ўтдим. Сейтл университетига борадиган бўлдим. Энди ТошДУ ташқи алоқалар бўлимининг руҳсатини олиш қолганди. Дадам ўшанда университетда директор эди. Менга: Любов Максимовна (ташқи алоқалар бўлими бошлиғи)га ўзинг киргин. Мақсадингни тушунтир, лекин менинг ўғлим эканингни айтма деди. Кирдим, тушунтирдим. Рад жаवобини олдим. Ўшанда дадам аралашганларида Америкага кетар эканман. Шундай қилиб, хорижда ўқиниш орзуси орузлигича қолиб кетди.

Файбулла ва Бегали акалар, афсуски, бугун орамизда йўқ... Ҳўш, бугун орамизда улар каби саховатли, ҳалолликни умр безаги деб билган яна қанча зиёлимиз бор? Агар бўлса, ўзини атайин инсофли қилиб кўрсатишига уринмай, тўқима воқеа ясамай, юқоридagi каби аниқ мисолларни келтира оладими? Балки бордир... Қани улар?!

Умид БЕКМУҲАММАД  
манба: kh-davron.uz

**А**ждодларимизнинг орзу-умидлари, жасурлиги, урф-одатларини ўзида мужассам этган қаҳрамонларнинг ижродаги тасвири томошабинларга кўтаринки руҳ бағишлади. Айниқса, бахшнинг дўмбрасида янграётган куй билан ҳамоҳангликда яратилган сахна безаклари ёшларни олис мозийларга етаклаб, сўзанааларнинг ҳар бир нақши ичра яширинган самимиятни кўрсатиб берди.

Жорий йилнинг 15-19 январь кунлари «OXUS Culture» жамияти ҳамда Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси ҳамкорлигида Ўзбекистон номоддий маданий мероси шинавандалари учун навбатдаги «Достон кечаси» бўлиб ўтди.

Талбирда халқ меросининг энг машҳур достонлари қаторидан жой олган «Алпомиш» Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов томонидан

## «АЛПОМИШ» 5 КУН МЕҲМОН БЎЛДИ



беш кун давомида ижро этилди.

— «Алпомиш» достонидаги Қалдирғоч образи мактаб чоғларимдан яхши таниш, — дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва

адабиёти университети 1-босқич талабаси Ҳумоюн Қувондиқов. — Уни ўз синглим мисолида тасаввур этиб келганман. Мана, бугун Тасвирий санъат галереясида бешинчи кун достон эшитиш учун келарканман, Қалдирғочнинг қанчалар жасурлигини ва момоларимизнинг қанчалар ифратли бўлганини яна бир бор ҳис этдим. Бунга Алпомиш чоҳдан ўз юрти томон келаятиб, синглиси билан айтишиб турганида аҳволдан уялган Қалдирғочнинг бутазор ортига беркиниши мисол бўла олади, деб ўйлайман.

Жараён

Дарҳақиқат, оналаримиз аллаларидан бошлаб руҳимизга синдирилган оҳанглар замонавий технологиялар замонасининг ёшларини ҳам ўзига ром эта олди.

Эслагиб ўтиш жоизки, Абдуназар бахши ижросидаги бир қанча достон ва кўшиқлар Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Олтин фонди»дан ўрин олиб, мунтазам эфирга узатиб келинади. Бахши Франция, Белгия, Швейцария, Тайван, Туркия, Туркменистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларида ўз ижодини намойиш этиб, ўзбек халқ бахшичилиги анъаналарини дунё халқлари орасида муносиб тарғиб қилиб келмоқда.

Бундай достон кечалари ташкил этилиши аждодларимиз мероси бўлган бой номоддий маданиятимизни кенг тарғиб қилишда, ёшлар онгини миллий ватанпарварлик руҳида камол топтиришда муҳим қадамлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бегали ЭШОНҚУЛОВ  
«Жамият» мухбири



Халқ орасида Ҳасан табиб номи билан машҳур бўлган анидиджонлик фуқаронинг фаолиятига чек қўйилди.





# УЯЛМАЙ ҚҲҲДИК

**Болалигимда ҳар Бякшанба отам бозорга олма сотишга чиқарди. Мен бирга борардим. Аммо ҳеч қачон ёнида турмасдим. Олмасини сотиб бўлгунча ё узоққа кетардим ёки айланиб юрардим. Чунки отам менга қарашиб юбор, дейишдан қўрқардим. Меҳнатдан қочганим учун эмас, олмаларни сотишдан уялардим, ор қилардим. Ҳша даврнинг идеологияси шундай эди. Савдогар, сотувчилар «спекулянт» деб аталар ва бу гап жуда хунук эшитиларди. Ноҳалол деганда биз маҳсулотнинг устига нарх қўйиб сотишни тушунардик. Шунинг учун қайсидир савдогар ҳақида гап кетганда, одамларнинг энсаси қотиб гапирарди: «Ҳм... фалончи савдогарми?». Ҳўп тескари замонлар бўлганда, ўзимиз ўртаҳол яшасак-да, савдогарни менсимасдик...**

## Мулоҳаза

Бугун ҳалоллик, виждон ҳақида гапирардим, аммо амалда тескарсини қиламиз. Маънавият тушунчасини қамраб олган барча ахлоқ нормаларига, масалан, ҳалоллик, виждон, ростўйлик каби фазилатларга нисбатан меҳр, виждонсизлик, порахўрлик, фирибгарлик каби ахлоқнинг тескари қўринишларига эса нафрат уйғотилмади. Ҳша даврларда нима учун одамлар савдогарликни, порахўрликни, фирибгарликни уят ҳисобларди. Чунки ҳалолликни тарғиб эловчи китобларимиз, киноларимиз, ҳатто, ёздадиган мақолаларимиз ҳам шунга бағишланарди.

Узоққа бормайлик, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида тарбиявий аҳамиятга эга мақолалар жуда камайиб кетди. Мустақиллик йилларида қурилган иншоотларимизни,

ободликка қаратилган дастурларимизни, инсон саломатлиги, таълим тизимидаги ютуқларимизни кўрсатадиган мақолаларни кўлайтирдик. Дикқат-этиборимизни фақат шу мавзуларга қаратдик. Айни пайтда эса фақат танқидга ружу қўйдик. Тарбиявий аҳамияти кўрсатилмаган, фақат мағзава ағдарилган иборат танқидга...

Ахир, ўша иншоотларнинг баъзилари ҳўжақўрсинга қуриллаётгани, тиббиёт соҳасида порахўрлик авж олгани, шарт-шароити яхшилланган баъзи мактабларда директорлар пора билан болаларни мактабга қабул қилинаётгани ҳақида нега бизга ёздришмади, деган савол ҳамон жавобсиз. Маънавият сўзининг қадрсизлигишига киноларимиз, балдий асарларимиз, спектаклларимиз орқали айнан маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга, яъни ИНСОН иродаси, эътиқоди, лафзи, гурури мавзуларига қўл урдирилмагани сабаб, деб ўйлайман.

Севишли адибимиз Шўхратнинг «Жаннат қидирганлар» асарида ватангадолик фожиаси кўрсатиб берилган. Нимагадир ўша кезлари ҳалқимизнинг чет элга бориб ишлаши деярли ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди. Ахир, ўшанда ҳам обод яшамаганмиз. Дангиллама ҳовлиларимиз, ҳар икки хонадоннинг бирида машина бўлмаганди. Шунчаки, борига қаноат қилардик. Қўй-налиб яшасак-да, негадир бировнинг ҳақидан қўрқардик. Дўконга нонга борсак, бир тийин қайтимимизни қайтиб берарди. Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам бизга ҳалолликни ўргатган.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарида уят, уятсиз деган ибора деярли ҳар бир саҳифада ишлатилган. Шунинг учун бу асар миллий романимизга айланди. Беҳаёлик, андишасизлик фожиага олиб келишини асарнинг ўқиган сари англаб боравердик. Бугун андиша ҳақида гапирардимиз андишасизнинг ишини қиламиз. Хусусан, кейинги пайтларда семиз одамнинг овқатни реклама қилиши ҳечам уят эмас. Биламиз, семизлик касаллик ва бу касаллигидан истиҳола қилиши керак бўлмаса-да, уяладиганлар бор. Аммо семиз инсоннинг қолбаса рекламасида очқўзларча овқатга ташланиши ростдан ҳам жуда уятли иш.

Демоқчиманки, баъзи ҳолларда нафсини тиймасликдан тананинг вазни ортиб кетишини уят ҳисобламай қўйдик. Яъни баднафсликни реклама қилиш оддий ҳолга айланди.

«Автомобилдан сақланинг» киносини эслаб қўрайлик-а. Кино бошдан оёқ мансабдор ва порахўр шахсларнинг устидан кулади ва табиийки, бу кулпи

ортида нафрат бор. Ёки ҳар ҳафта телевидение орқали кўрсатиладиган, Эргаш

Каримов асос солган «Миниатуралар театри» мавзуларига эътибор беринг. Юлғич, баднафс, иғвогар, порахўр, ўз касбини суиистеъмол қилган шахсларни ҳар доим танқид остига олиб театрлаштирган. Ёки «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувидаги қадриятларимиз, анъаналаримиз ҳақидаги видеофильмлар тарбиявий аҳамиятга эгалити билан эътиборни тортарди. Ҳаммага бирдек манзур бўларди.

Масалан, Ҳткир Ҳошимов асари асосида яратилган «Баҳор қайтмайди» видеофильмидаги ҳаволаниб кетган санъаткорнинг фожиасини ёлга олайлик. Буларнинг барини кўриб, ўсиб-улғайдик, қонида ҳалоллик бўлмаган одамлар лоақат тийилиб яшадилар, одамларнинг нафратидан қўрдик.

Маънавият сўзини нега ёмон кўриб қолдик. Аслида, бозор иқтисодига ўтиш даврида «маънавият» сўзининг кириб келиши тўғри эди. Аммо уни тўғри йўналтирилмадик, назаримда. Қўпчилик ҳалигача маънавият ўзи нима де-

**Нега маънавиятни ёмон кўриб қолдик? Чунки маънавият деб жар солиш билан одамларни маънавиятга қилолмадик. Масалан, маънавият ҳақида ҳар кунги талабаларга сабоқ берувчи ўқитувчиларнинг баъзилари очиқчасига талабалардан пора ола бошлади.**

ган саволга жавоб қидиради. Ҳатто, ижтимоий тармоқлардаги баҳсларда ҳам «маънавият нима» деган изоҳларни ўқиб қоламиз.

Нега маънавиятни ёмон кўриб қолдик? Чунки маънавият деб жар солиш билан одамларни маънавиятга қилолмадик. Масалан, маънавият ҳақида ҳар кунги талабаларга сабоқ берувчи ўқитувчиларнинг баъзилари очиқчасига талабалардан пора ола бошлади. Маънавиятга бўлишда жажжи фарзандларимизга ўрناк бўлиши керак бўлган боғча опа ота-оналардан очиқчасига совға кутди. Чунки уларга ўрнак бўлиши керак бўлган баъзи боғча мудирилари ходимларининг олдида бир кунлик нормаси 52 килограмм гўшт маҳсулот кетиши керак бўлган овқатга 9 килограмм кеча қайнатилган гўштни эртасига яна қайнатиб берди (Бундай шармандалик Шайхонтохур туманидаги бир боғчада содир бўлган). Энг ачинарлиси, ана шундай очқўз боғча мудириларини, ўзининг фарзандлари, ота-онасини қолдириб чет элга ўзганинг боласига, ўзганинг ота-онасига энагалик қилган кўни-кўшнилариимизни, пора олғич ҳокимларни, фирибгарларни маъ-

ракаримизнинг тўрига ўтказдик, қаҳрамонига айлангирдик. Улардан нафратланиб пойгакка ўтказиш ўрнига, қийган ялтироқ кийимлари-ю, дастурхони тўкинлиги ўғирлик орқасидан эканлигини билла туриб, болаларимиз кўзига фахрландик: «Бирам зўр тўй қилди, боғча мудири бўлиш керак экан-да», ёки «Фалон жойнинг раҳбари дангиллатиб уйлар қурган-ей, кўриб ҳаваси кетди кишининг», дея оғзимизнинг суви қочгани ёлғонми?

Ўйлаб қўрмадик-ки, нега раҳбар ёки боғча мудираси биздан озгина кўпроқ маош олиб, икки барабар яхши яшашни ва дангиллатиб тўй қилиши керак? Улардан нафратланмадик ва бу бизнинг келажакимиз бўлиши фарзандларимиз онгига маънавиятнинг қадр-қиммати ни йўқотиб бораверди. Яъни андиша пойгакка кўзини ерга тикиб қолди, ҳаёсизлик, орсизлик тўрига чиқди.

Маънавиятти инсон интернетдан тўғри фойдалангани, деб телевизорда гапирдик, бонг урдик, аммо аксини қилдик. Бачкана клипни қўшиқлар, савиясиз кинолар, ҳашамни тарғиб қилувчи фильмлар босиб кетди ҳамма каналларимизни.

Чет эл сериалларида шу даражада ружу қўйдик-ки, оқибатда ахлоқимизни бузиш борасида интернет ҳам ортда қолиб кетди. Маънавиятга бўлиш керак, деб айтилди, ёзилди, аммо фақат қийматсиз сўзга айланиб қолди. Маънавиятчиларимиз маънавиятсизликка қарши фақат сўз орқали курашди. Амалда эмас. Телевидениеда берилмаётган маънависиз кинолар, енгил-елпи қўшиқлар, ёзилмаётган савиясиз асарларга қарши курашмади.

Маънавият керакми? Керак! Фақат бу сўз ўз қийматини топиши учун уни ишлатмасдан, маънавиятга интилмадик керак. Энди ёздадиган асарларимиз, мақолаларимиз, тасвирга туширадиган киноларимиз, барча-барчаси ҳалолликка, одоб-ахлоққа бағишланиши керак. Фарзандларимиз очқўз, баднафс, порахўр одамлардан нафратланишни ўргансин. Уларга ҳавас билан қараб, ўрнак олишни эмас. Нафратга ўргатиш учун инсон қалбини, олибжаноблигини очиб берувчи фильмлар, қўшиқлар, асарлар яратилиши лозим. Биз уларни томоша қилганимизда, ўқганимизда УЯТдан қизариб, камчиликларимизни, қусурларимизни англаб тайлик.

**МАЪНАВИЯТ керак!** Чунки китобларимизда ёзилганидек, «Маънавият инсонни руҳан покляниш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган куч». Бу кучни ҳақиқий кучга айлантириш учун сўз билан амал бирлигини эътиқодга айлантирайлик.

Барно СУЛТОНОВА

## Ҳикматлар

Бунёд этмоқ қийин. Вайрон қилиш осон. Кўнгил иморатларини ҳам. Кўнглилар аро меҳр-оқибат ришталарини боғламоқ учун узоқ вақт керак. Эътиборсизлик, эҳтиётсизлик туфайли ана шу ришталарнинг чирт узилиб кетиши учун бир неча сония кифой.

Юқори чўққиларга кўтариласангиз, қуйидаги одамлар кўзингизга қичқироқ кўринади. Ана ҳам юқориласангиз, улар баттар майдаланиб, чумоллардек ўрмалаётган бўлиб кўриниши мумкин. Лекин баъзан юқори мансаб чўққиларини забт этган амалдор учун қуйидагиларнинг ана шундай кўрилиб қолиши чатоқ.

Бу дунёда буюкликка даъвогар кўп. Ҳзининг буюкликсини билмай юрган буюклар ҳам йўқ эмас.

Инсоннинг ҳар бир қадами уни сўнги манзил сари яқинлаштириб боришини англаб етганда ҳаётнинг нақадар ганиматлигини янада тарафдор ҳис этишимиз.

Бозор муносабатлари одамлар учун бир синов. Кимлардир борини бозорга солиб ютқазишади. Чунки дунёда пулдан қимматроқ парсалар ҳам бор.

Бошига олма тушганида «Эврика!» («Топдим!») деб қичқирган буюк олим бутун олам тортишини қонунини кашф қилиб тарихда қолган. Бошқаларнинг бошига ҳам нималардир тушган ва улар ҳам «Топдим!» деб қичқирган бўлиши мумкин. Лекин улар ёнғоқ ёки нок топишганига хурсанд бўлишган-да.

Ҳабиб СИДДИҚ



Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотини 2018 йилда 407,5 триллион сўмини ташкил этди. Бу 2017 йилга нисбатан 5,1 фоизга кўп.



**Яқин ўтмишда жаҳондаги ёпиқ денгизлар орасида катталиги жиҳатдан тўртинчи ўринда турган Орол денгизи ўрнида — Қизилқум ва Қорақум саҳролари ўртасида майдони 5,5 миллион гектарга тенг янги «Оролқум» саҳроси пайдо бўлди. Натижада Орол денгизи ҳалокати дунёдаги энг йирик экологик фожиалардан бири сифатида ижтимоий-иқтисодий, тиббий-гуманитар муаммоларни келтириб чиқарди.**

# ФАҚАТ АМАЛИЙ ИШЛАР МУАММОГА ЕЧИМ БЎЛАДИ

ва сув ресурсларини бошқаришни тақомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширолмақда. Зеро, кўрилган чора-тадбирлар натижасида йиллик сув истеъмолини 14 миллиард куб метрга қисқартириш, қишлоқ хўжалигида бир гектарга бўлган сув сарфининг солиштирма ҳажмини эса икки баравардан кўпроққа камайтириш, суғориладиган ер майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилашга эришилди.

Оролбўйи ҳудудидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш учун 5,5 миллиард доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. Хорижий мамлакатлардаги шериклар ва халқор ташкилотлар билан ҳамкорликда Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон ихота дарахтзорлари ҳамда янги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни барпо этиш, коллектор-дренаж сув тармоғи тизимини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сўнгги ўн йил давомида бу ерда саксовул ва бошқа шўрга чидамли ўсимлик турларидан иборат 350 минг гектарга яқин ўрмон барпо этилди.

Айтиш жоиз, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ташаббус ва тақлифлар амалга оширилиши минтақанинг экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал этишда Марказий Осиё давлатларининг саяёҳаракатларини бирлаштириш, тинчлик ва барқарорлик пойдеворини янада мустаҳкамлаш имконини бериши табиий.

Агар мустақиллик йилларида Ўзбекистон бўйича бир миллион 220 минг гектарга яқин ўрмонзор яратилган бўлса, шундан 400 минг гектардан ортиғи айнан Оролбўйи ҳудудида барпо этилган. Бу масалада қабул қилинаётган махсус дастурга кўра, Орол денгизининг қуриган ҳудудида 2019 йилнинг ўзига яна 500 минг гектар ерда шўрга чидамли дарахт кўчатлари ва саксовуллар ўтказилади.

Шу маънода келгусида Орол бўйида бир қатор вазифаларни амалга ошириш муҳимлигини қайд этиш лозим. Хусусан, қўлланнинг олдини олишга қаратилган саҳрога чидамли саксовул, қандим, черкез каби ўсимликлардан иборат ўрмонзорлар барпо этиш керак. Бу ўз ўрнида икки-

та муҳим масалани ҳал этиш имконини беради. Биринчидан, қум кўчишининг олди олинади. Агар, саксовуллар 3 қатор қилиб экилса, 30 фоиз қум кўчиши пасаяди. 7 қатор қилиб экилганда бу кўрсаткич 90 фоизгача етади. Ҳудудда ўзига хос экотизим пайдо бўлиб, иқлим ўзгаришини юмшатади. Иккинчидан, чўл зонада озукабоп ҳисобланган чоғон, терескан, боялич, қайроук каби ўсимликларни кўпайтириш лозим. Шу орқали чорвачиликни ривожлантириб, янги иш ўринларини яратишга эришиш мумкин. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Оролбўйи атрофида кичик (локал) қўллар барпо этиш ҳам муҳим масалалардан бири саналади. Бу қум кўчишини пасайтириши билан бир қаторда Балқичиликни ривожлантириш иконини беради. Хуллас, эндиликда фақат амалий ишлар, инновацион ёндашувлар ҳудуддаги муаммолар ечимининг бош мезони бўлади.

**Борий АЛИХОНОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
Спикерининг ўринбосари**

**Ер шарида инсон омили туфайли юзага келган глобал иқлим ўзгаришлари сабаб бугунги кунда баланд тоғликларда жойлашган жаҳоннинг энг йирик музликлари эриб, ҳажми табора қисқармоқда. Бу ҳолатни бизнинг дарёларни сув билан таъминлаб турадиган музликлар мисолида ҳам кўриш мумкин.**

# СУВ БОР ЖОЙДА БОРДИР ҲАЁТ УНИ ТЕЖА, ҚИЛ ЭҲТИЁТ!

ўртача 66 литр сув ишлатилади. Афсуски, аҳолининг кўпгина қисмида сувни сарфлаш маданияти шаклланмагани боис бунга жиддий эътибор қаратмайди.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш «Сувчи» жамоат бирлашмаси Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақавий экология маркази ва унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда сув ва атроф-муҳит масалалари бўйича хабардорликни ошириш ва ҳамкорликни ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширолмақда. Лойиҳа доирасида жойларда сувни сарфлаш маданиятига оид тадбирлар ташкил этилмоқда.

**Канадалик олим Али Шади томонидан ўтказилган тадқиқотларда аҳоли жон бошига бир йилда 1 минг 700 кубдан ошиқ сув тўғри келса, сув муаммоси йўқ, дейилади. Агар бу кўрсаткич минг кубгача камайса, сув тақчиллиги бошланган, ундан оз бўлса, сув тақчиллиги мавжуд дея хулоса қилинган. Маълумот учун шунга айтиш жоизки, республикаимиз аҳолиси ҳозирда бир йилда 56 миллиард кубдан ошиқ сув истеъмор қилади. Ана шу сувнинг 11 миллиард кубдан ошиғи ўзимизда шаклланса, 45 миллиард кубдан ортиғи трансчегаравий дарёлардан оқиб келади. Агар фойдаланаётган сувимизни Али Шади мезонидан келиб чиқиб, аҳолиимиз жон бошига тақсимласак, ҳозирча бизда сув тақчиллиги мавжуд эмас, деган хулосага келиш мумкин.**



Аммо иқлимнинг тобора исиб бораётгани, аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиши, сув сарфлаш маданиятининг қониқарсизлиги, шунингдек, сув тежаш технологияларининг қишлоқ хўжалигида суст жорий этилаётгани, бунинг устига йирик дарёлар сувининг 2050 йилга бориб 13-15 фоизга камайишини инобатга олсак, келажакда бу масалада жиддий муаммоларга дуч келишимиз табиий.

Шу маънода аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида «Сувчи» бирлашмаси томонидан ташкил этилган ўқув курсларида маҳалла раислари ҳамда фаолларининг сув, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича билимлари бойитилмоқда. Афсуски, қатнашчиларнинг айримлари Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ тафсилотлар, мазкур жараён туфайли юзага келган янгли аҳолини яхши билмайди. Халқимизда юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши деган гап бор. Бирлашма томонидан 2018 йилнинг 10-11 сентябрь кунлари «Ўзбекистонда сув ва атроф-муҳит масалалари бўйи-

ча хабардорликни ошириш» лойиҳаси доирасида бир гуруҳ қорақоғонистонлик журналистлар Муйноқ туманига олиб борилди. Бу ерда улар Оролнинг қуриши туфайли юзага келган жараён, кемалар қабристонини, маҳаллий аҳолининг яшаш тарзи орқали табиатнинг инсондан қандай ўч олганига гувоҳ бўлди.

Назаримизда, бу каби тадбирлар қўламини келгусида «Маҳалла» фонди ва «Нуроний» ҳамғармаси ҳамда «Ўзбекистуризм» ҳамкорлигида янада кенгайтириш мақсадида мувофиқ.

Доно халқимиз бежиз «Эл ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан», «Сув бор жойда бордир ҳаёт, уни тежа, қил эҳтиёт», деб таъкидламаган. Шундай экан, обихаётнинг ҳар бир заррасини қадрламоқ, уни тежаб ишлатмоқ, энг муҳими, келгуси авлодларга ҳам етказиш барчамизнинг бурчимиздир.

**Бахтиёр МУҲАММАДИЕВ,  
Сув ресурсларидан мукамал  
фойдаланиш «Сувчи» жамоат  
бирлашмаси мутахассиси**



2018 йилда Ravon Россияда 5 минг 184 дона автомобиль сотди. 2017 йилда эса 15 минг 78 автомобиль сотилганди.



Газетамизнинг ўтган сонида чоп этилган «Телевизор кўришга қўрқиб қолдим» сарлавҳали мақолада хусусий телеканаллар орқали эфирга узатилаётган турли кўрсатув, реклама ва сериалларнинг миллийлигимизга зид экани, уларнинг ўсиб-келаётган ёш авлод онгига зарари ҳақида сўз юритилган эди. Мазкур мақола юзасидан таҳририятимизга кўнғироқлар бўлди, хатлар келиб тушди ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

## Савиясизлик «бренд»и

Яқинда хусусий телеканалларда «айланаётган» кекс рекламаси эътиборини тортди. Унда ёш келинга эри қошиқчадаги ширинликни беришни пайсалга солиб, ўйин қилиши, сўнгра эса аёл турмуш ўртоғига «калла қўйиши»ни кўриб, очиги, ҳайратдан ёқа ушладим. Қайси фаросат билан бу рекламани тайёрлашганига ва эфирга бериб боришаётганига жавоб тополмай фиғоним фалак бўлди. Наҳотки, аллақандай кексни тановул қилиш муқаддас оила, эр-хотин муносабатларидан, ўзбек аёлининг ҳаёси, номуси ва тарбияси деган муқаддас туйғуларидан ҳам устун бўлса? Бу реклама бўйича ўз муносабатимни билдирганимда бир хусусий телеканал раҳбари: «Бу ҳазил-ку, ҳамма нарсдан маънавият излаш шарт эмас», дея жавоб берди. Ҳар қалай, орадан кўп вақт ўтмай, бу реклама бироз ўзгартрилди.



Ёки бўлмаса, эфирга узатилаётган қўшиқ ва улarga ишланган клипларни олиб кўрайлик. Айрим ҳонандаларимиз бугунги кунда ёшларбоп дея чалғиб, ўзлари билмаган ҳолда «оммавий маданият»ни тарғиб қила бошлади. Дидсизлик, савиясизлик аллақачон замонавийлик «бренди»га айланиб улгурди.

Халқимиз ўзига хос теран маънавиятга эга. Шунга яраша адабиёти ва санъати ҳам бошқа миллатларникидан фарқ қилади. Миллий маънавий мезонларимиз талабига кўра, эфирда андишасиз саҳналар ва беҳаё гап-сўзларга

руҳсат этилмайди. Бунга сабаб эса шарқона маънавият ва маданиятимизнинг ўзига хослигидир.

Миллий ва диний урф-одатларга, қонун-қондаларга, ўзбекона андишага бепасанд қараб бўлмайди. Мамлакатимизда турли дин ва миллат вакиллари яшайди. Шунинг назарда тутилган ҳолда бағрикенглик тамойилларини унутмай, томошабиннинг дини, миллатидан қатъий назар, дилига оғир ботмайдиган кўрсатувлар, кино ва театр томошалари яратиш лозим.

Шубҳасиз, Европа классиклари ва замонавий ижодкорлари асарлари билан томошабини таништириш шарт. Европача меҳрибонлик ҳамда кичик бир жониворга ачиниб йиғлаш каби латиф ҳиссиётларни инкор этмаймиз. Лекин уларнинг айрим фалсафий қарашлари ва санъатини халқимиз қабул қилмайди. «Оммавий маданият» ва индивидуал бахтиёрлик балоси шу нарсалардан бошланган.

Томошабинни жалб этиш учун кўнғилочар дастурларга ҳам талаб туғилади, албатта. Бироқ қандай кўнғилочар дастурлар тайёрланишидан қатъий назар томошабин яйраб кўриши, маънавий озуқа олиши керак.

Ўзбекининг оиласи қайнона ва келинларнинг садоқати, меҳр-оқибати тўфайли мустаҳкам. Оила — ёш авлоднинг бахтли болалиги, кекса авлоднинг эса ишончли таянчи. Миллатимизнинг меҳнатқашлиги, хокисорлиги, меҳру оқибати ва матонати айнан мана шу оила билан боғлиқ. Оилавий мавзулар ҳам юқори савияда талқин қилинса, ўз қадр-қимматига эга бўла олади.

Бугун сўз эркинлиги, ижод эркинлиги ёки бўлмаса, «цензурага йўл қўйилмайди» деган қонун ва қоидаларни пеш қилувчилар кўпайиб бормоқда. Аммо бу дегани, кўр-кўрона тақдид қилиш, фаҳш сўзларни бемалол қўллаш, фарбагина хос бўлган қарашлар асосидаги ижодий ишлардан андоза ўғирлаш дегани эмас-ку.

**Ражаббек РАЖАБОВ,**  
Республика маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

## «Сериаллар мавсумига» барҳам бериш керак

Маълумотларга кўра, Хитойда хитой халқи миллий менталитетига, маънавиятига ва маданиятига раҳна солувчи ҳар қандай кўрсатувлар, фильмлар, кўшиқлар халқнинг миллий бирлигини сақлаб қолиш мақсадида кучли Ватанпарварлик ташкилотлари томонидан қаттиқ назорат остига олинган экан.

2012 йилда Хитой оммавий ахборот воситаларида қизларнинг калта кийим кийиб, енгил-елпи кўшиқлар айтаётгани келажакда ёшларга жиддий таъсир ўтказиши қаттиқ танқид остига олинган. Бу, албатта, ёшлар онгига ўзгача дунёқарашни шакллантириш орқали мамлакатни маънавий тубанлик гирдобидан сақлашга хизмат қилиши табиий. Мана — асл ВАТАНПАРВАРЛИК! Маънавиятни сақлаш учун ҳақиқий хизмат. Бизда эса, бугун айрим хусусий телеканалларда намойиш этилаётган кўрсатувлар томошабин томонидан ҳақли эътирозлар сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси, оилавий қадриятларга раҳна солувчи кўшиқлар, фильмлар, сериаллар намойиш этилаётганига қўл қовуштириб, жимгина кузатяпмиз. Ваҳоланки, булар оила даврасида кўришга муносиб эмас.

Ўзини «юлдуз» билувчи бошлов-

чиларнинг кийинишида фарб маданияти тарғиб этилиши, йиртиқ-ямоқ, тор кийимларни кийиши, сўзлашувда адабий тил меъёрларига риоя этмаслигига тобора кўникиб бориляпти. Биласизми, қадимда лотин қабиласида халқ нафратига учраган, жамиятдан бадарға қилинган инсонлар бошқалардан ажралиб туриш учун йиртиқ-ямоқ кийимлар кийиб юришар экан. Ёшларимиз мана шундай кийимлар кийиб юришнинг асл маъносини англаб етиши керак.

Бугун деярли барча телеканалларда «сериаллар мавсуми» яна авж палласига кирди. Гуёки телеканаллар сериал қўйиш бўйича мусобақалашаётганга ўхшайди. Хорижий сериалларни эфирга узатишдан олдин давлат миқёсида махсус экспертиза гуруҳини шакллантириш ва унинг назоратидан ўтказилсагина омма эътиборига ҳавола этиш тартиби йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, миллатнинг асл маънавиятига етказилаётган жароҳат келажакимизга таҳдид солади.

**Мансур МУСАЕВ,**  
сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори

Б-ҲАВО	
25 январь	+11°C
26 январь	+10°C
27 январь	+12°C
28 январь	+14°C
29 январь	+10°C
30 январь	+7°C
31 январь	+7°C

ob-havo.uz сайтидан олинган

### ЖАМИЯТ

- Муассислар:**  
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодават нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
«Махалла» хайрия жамоат фонди.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.  
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

**Бosh муҳаррир**  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

**Таҳрир хайъати:**  
Рустам Комилов  
Рустам Қосимов  
Борий Алиханов  
Акмал Сидиков  
Саид-Абдулазиз Юсупов  
Шавкат Жавлонов  
Руфат Нейматов  
Феруза Мирзақомилова

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-114 Адади: 2504.  
Жума куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ, Баҳоси келишилган нархда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**  
**Навбатчи:** Феруза Мирзақомилова  
**Дизайнер:** Бегали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 42.  
Маълумот учун телефон:  
233-72-77, 236-10-87.  
Реклама ва эълонлар учун:  
233-91-55  
Электрон почта: jamiyat@uamail.uz  
Газета индекси — 131  
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
ЎЗА якуни:  
Топширилган вақти: 18.50  
1 2 3 4 5 6